

**Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва
уларни тайинлаш тартиби тўғрисида**
НИЗОМ

(Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига
2-ИЛОВА)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари (бакалавриат ва магистратура бўйича алоҳида) талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

2. Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси квотаси (ўн битта) қўйидаги таълим йўналишларидан ҳар бири бўйича биттадан стипендия ҳисобидан бакалавриат ва магистратура учун алоҳида-алоҳида тақсимланади:

кишлоқ ва сув хўжалиги;
техника ва информатика;
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар;
табиий фанлар;
бизнес ва бошқарув;
педагогика;
маданият, санъат ва спорт;
хорижий тиллар;
хуқуқ ва халқаро муносабатлар;
журналистика.

Ушбу рўйхатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар ўқув йили бошида, таълим йўналишларидаги устуворликларни ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тавсиясига биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қўйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

умумтаълим тайёргарлигини илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишлари билан уйғунлаштириш;

йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

камода иккита эълон қилинган ишлар (асарлар)нинг мавжудлиги;

тилларни — давлат тилини ва битта хорижий чет тилни билиш (Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари), бакалавриатдаги таълим йўналиши ёки магистратурадаги мутахассислик хорижий тил бўлган тақдирда эса қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш талаб қилинади;

Ўзбекистон тарихини билиш.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билиш бўйича талаб даражаларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар ушбу фанлар бўйича ўз билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида (минтақалар бўйича) маҳсус тест

синовлари топширадилар. Марказ якуний ведомостларни тест синовлари натижалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига номзодлар кўрсатиш, талабгорлар номзодларининг ўқишидаги ва илмий (ижодий) фаолиятдаги муваффақиятлари оммавий равишда муҳокама қилингандан сўнг, давлат олий таълим муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қўйидагиларни топширадилар:

синов дафтарчасидан кўчирма;
деканат, кафедра тавсияномаси;
илмий (ижодий) иш аннотацияси;
раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари;
илмий (ижодий) ишга тақриз;
илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари.

Барча ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тўплами жилдга жойланади, ҳар бир жилд муқовасида ишни тақдим қилган муассасанинг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

5. Илмий кенгашлар яширин овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш учун стипендиатлар номзодларини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қиласидилар.

Илмий кенгашлар қарорлари вазирликлар ва муассасаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тавсиянома юбориши учун асос ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 1—15 август, кўриб чиқиш муддати — 10—25 сентябрь.

7. Давлат олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан амалга оширилади.

Стипендиялар тайинланишидан аввал талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқ билим ва илмий (ижодий) тайёргарлик даражаси пухта экспертиздан ўтказилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига талабгорлар орасидан танлаб олиш юкландиган маҳсус танлов комиссияси тузади;

талабгорларнинг таълим ва илмий (ижодий) тайёргарлиги даражасини баҳолаш мақсадида ишларни кўриб чиқиш учун йўналишлар бўйича экспертилар гурухлари тузади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда ахборот технологиялари, Ўзбекистон тарихи, хорижий тиллар бўйича имтиҳон комиссияларини ташкил этади, тест топшириқларини ишлаб чиқади;

танлов комиссияси ва эксперт гурухларининг иш тартибини белгилайди;

танлов комиссияси мажлисларини ўтказиш муддатларини белгилайди.

8. Танлов комиссияси талабгорларнинг якуний танловини яширин овоз бериш йўли билан ўтказади ҳамда талабгор ва унинг иши учун овоз беришда иштирок этган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берганда талабалар номзодини

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун тавсия қиласди.

Агар овоз беришдан сўнг талаборлар сони белгиланган квотадан кўп бўлса, устунлик энг кўп овоз олган талаборларга берилади.

Танлов комиссиясининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъати тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлолмаган, лекин энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган танлов қатнашчиларини номли давлат стипендияларига тавсия қилиш хукукига эга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъатининг қарори давлат олий таълим муассасаларининг талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақида буйруқ тайёрлаши учун асос бўлади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари талабаларга ҳар йили, бир ўқув йили учун, 1 сентябрдан бошлаб, белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга «Президент стипендиясининг соҳиби» гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъати мажлисида тантанали равишда топширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиблари бўлган талабалар давлат олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида грант асосида магистратурага (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурага (магистр-стипендиатлар) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Агар аспирантура ва магистратура мутахассислиги тўғри келмаса, у ҳолда кириш имтиҳонлари фақат аспирантура мутахассислиги бўйича топширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар ўқишини битиргандан сўнг, икки йил мобайнида магистратурада (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурада (магистр-стипендиатлар) ўқишини давом эттириш мақсадида хорижга жўнатилиш хукукини сақлаб қоладилар.

14. Кундалик дарсларни ўзлаштирмайдиган, ўқув интизомини ва илмий одобахлоқни бузган талабаларни ўқув йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларидан маҳрум қилиш тасарруфида талаба ўқиётган олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан амалга оширилиши мумкин.

15. Талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2
к постановлению Кабинета Министров от 13 октября 2008 г. № 226

**ПОЛОЖЕНИЕ
о государственных стипендиях Президента Республики Узбекистан для студентов и
порядке их назначения**

1. Государственные стипендии Президента Республики Узбекистан назначаются студентам последнего года обучения (по бакалавриату и магистратуре в отдельности) государственных высших образовательных учреждений — гражданам Республики Узбекистан по результатам конкурсного отбора, проводимого Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

2. Установленная для назначения студентам квота (одиннадцать) государственных стипендий Президента Республики Узбекистан распределяется в отдельности для бакалавриата и магистратуры из расчета по одной стипендии на каждое из направлений:

- сельское и водное хозяйство;
- техника и информатика;
- здравоохранение и социальное обеспечение;
- общественно-гуманитарные и социальные науки;
- естественные науки;
- бизнес и управление;
- педагогика;
- культура, искусство и спорт;
- иностранные языки;
- право и международные отношения;
- журналистика.

Изменения и дополнения в настоящий перечень могут вноситься Кабинетом Министров в начале каждого учебного года по ходатайству Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, исходя из целесообразности изменения приоритетов в направлениях образования.

3. Для назначения студентам государственных стипендий Президента Республики Узбекистан устанавливается выполнение следующих критериев:

сочетание общеобразовательной подготовки и научно-исследовательской (творческой) работы;

- участие в конференциях (конкурсах) по направлениям;
- наличие не менее двух опубликованных работ (произведений);

знание языков — государственного и одного иностранного (кроме государственных языков стран Содружества Независимых Государств), а в отдельных случаях, когда направлением образования в бакалавриате или специальностью в магистратуре является иностранный язык, дополнительно требуется знание еще одного иностранного языка;

знание истории Узбекистана.

Уровень требований к знанию языков, информационных технологий, истории Узбекистана устанавливает Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Претенденты на государственную стипендию Президента Республики Узбекистан для установления уровня своих знаний по этим предметам проходят специальные тестовые испытания в Государственном центре тестирования при Кабинете Министров Республики Узбекистан (по регионам), который передает итоговые ведомости с результатами тестирования в Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

4. Выдвижение кандидатур стипендиатов для назначения государственных стипендий Президента Республики Узбекистан производится учеными советами

государственных высших образовательных учреждений до 1 июля текущего года после публичного обсуждения кандидатур претендентов, их успехов в учебе и научной (творческой) деятельности.

Для предварительного рассмотрения претенденты представляют в ученый совет:

- выписку из зачетной книжки;
- ходатайство деканата, кафедры;
- аннотацию научной (творческой) работы;
- отзыв руководителя;
- рецензию на научную (творческую) работу;
- список научных работ и их оттиски.

Все документы представляются в двух экземплярах. Каждый комплект сшивается в скоросшиватель, на обложке которого указываются наименование учреждения, представившего работу, фамилия, имя, отчество претендента, наименование работы.

5. Ученые советы принимают решения о выдвижении кандидатур стипендиатов для назначения государственных стипендий Президента Республики Узбекистан тайным голосованием, простым большинством голосов.

Решения ученых советов являются основанием для министерств и ведомств для направления ходатайств в Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан о назначении государственных стипендий Президента Республики Узбекистан.

6. Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан рассматривает ходатайства о назначении стипендий один раз в год. Прием документов осуществляется с 1 по 15 августа, а рассмотрение — с 10 по 25 сентября.

7. Назначение государственных стипендий Президента Республики Узбекистан студентам государственных высших образовательных учреждений осуществляется решением коллегии Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Назначению стипендий предшествует тщательная экспертиза уровня образовательной и научной (творческой) подготовки претендентов в соответствии с установленными критериями.

В этих целях Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан:

- создает специальную конкурсную комиссию, на которую возлагается проведение конкурсного отбора среди претендентов на государственные стипендии Президента Республики Узбекистан;

- формирует группы экспертов по направлениям рассмотрения работ для оценки уровня образовательной и научной (творческой) подготовки претендентов;

- совместно с Государственным центром тестирования при Кабинете Министров Республики Узбекистан разрабатывает тестовые задачи по информационным технологиям, истории Узбекистана, иностранным языкам;

- регламентирует порядок работы конкурсной комиссии и экспертных групп;
- устанавливает сроки проведения заседаний конкурсной комиссии.

8. Конкурсная комиссия окончательный отбор претендентов производит тайным голосованием и рекомендует кандидатуры студентов для назначения государственных стипендий Президента Республики Узбекистан в том случае, если претендент и его работа наберут «за» не менее 2/3 голосов членов комиссии, принимавших участие в голосовании.

В случае, когда после голосования количество претендентов превышает квоту мест, предпочтение отдается тем претендентам, которые набрали большее число голосов.

Решение конкурсной комиссии вступает в силу после его утверждения коллегией Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Конкурсная комиссия вправе рекомендовать на именные государственные стипендии участников конкурса, не ставших обладателями государственных стипендий Президента Республики Узбекистан, но имеющих наилучшие показатели.

9. Решение коллегии Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан служит основанием государственным высшим образовательным учреждениям для оформления приказов о назначении и выплате студентам государственных стипендий Президента Республики Узбекистан.

10. Государственные стипендии Президента Республики Узбекистан назначаются студентам ежегодно на один учебный год, начиная с 1 сентября, в строгом соответствии с установленными размерами.

11. Студентам, удостоенным государственных стипендий Президента Республики Узбекистан, вручаются удостоверения «Президент стипендиясининг сохиби» в торжественной обстановке на коллегии Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

12. Студенты — стипендиаты государственных стипендий Президента Республики Узбекистан в течение двух лет после окончания государственного высшего образовательного учреждения принимаются по соответствующей специальности в магистратуру (для стипендиатов-бакалавров) на грантовой основе и аспирантуру (для стипендиатов-магистров) без вступительных экзаменов. Если специальности по аспирантуре и магистратуре не совпадают, то вступительные экзамены сдаются только по специальности аспирантуры.

13. Студенты — стипендиаты государственных стипендий Президента Республики Узбекистан в течение двух лет после окончания учебы сохраняют за собой право на направление за рубеж для продолжения учебы в магистратуре (для стипендиатов-бакалавров) и в аспирантуре (для стипендиатов-магистров).

14. Лишение студентов государственных стипендий Президента Республики Узбекистан за текущую неуспеваемость, нарушение учебной дисциплины и научной этики может быть произведено в течение учебного года решением коллегии Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан по представлениям министерств и ведомств, в ведении которых находится высшее образовательное учреждение, где обучается студент.

15. Заявления и жалобы студентов по назначению государственных стипендий Президента Республики Узбекистан рассматриваются в установленном законодательством порядке.